



Миллий ТИКЛАНИШ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1996 йил, 2 апрел

13(42)-сон

ЎТГАН ҲАФТА МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШИМИЗ СОЛНОМАСИДА:

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вьетнам Республикасига сафари муваффақиятли якунланди. Ўзбекистон ўзининг халқаро алоқалар тарихида янги саҳифа очди. Вьетнам дерида мамлакатимиз, юртбошимизга юксак эъзоз-икром кўрсатилди. Ҳар икки мамлакат ўртасида ўзаро тенг, фойдалу муносабатларнинг йўллари очилди. Узоқ Осиё дерида республикамиз мартабали вакиллари катталар хурмати-этибор билан қўли олинди, Президент Каримовнинг ватнамлиқ биродарлар билан турли учрашувларда мазмундор, тушунарли, ёрқин сўзларини қандайдик дикхат ва қизиқлиқ билан тинглаганиларини телевидение орқали кўриб яна бир қарра мустақиллик йўли бу — шараф йўли, халқимиз учун энг тўғри, энг эътиборли йўл эканлигини англади.

● Тарихларнинг хабар беришларича дунёда биринчи энг қудратли қабилалар арава бизнинг дёвиримизда иштирок қилинган экан. Оққан дарё оққан экан. Уша улғу ихтироларнинг ўзини қўймаган экан. Утган ҳафта Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлиқда яратган биринчи автомобил йўлга чиқди. Ўзбекистон дунё автомобил бозорига ўз йўлини очди. Ислохотлар чин маънода қанот ёзмоқда.

Дунё харидоринг бўлсин, ўзбек автомобили!
● Лондонда ўзбек мумтоз музикаси кенаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ артисти Муножотхон Йўлчиева ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Мирзаев лондонлик мухлисларни ўзбек мумтоз музикасининг фусункор жозибаси билан ром қилдилар.

Ўзбек бунбуллари жаҳон боғларида ҳамиша шундай қўйлай-версинлар!

МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказилган давлат суҳбатининг «қиссадан ҳисса» тарзидаги хулосаси шундай бўлди. Унда Академиянинг профессор-ўқитувчилари жамоаси ҳамда Республика маҳалла-ҳайрия жамғармаси раҳбарияти, Тошкент шаҳри ва туманларига қарашли маҳалла оқсқоллари катнашдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ўзбекистон миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири билан мустақил давлатлар ҳамдустлиги мамлакатларидаги интеграция жараёнлари ривож қилишда ҳақиқатан ҳам миллий мустақиллик мафкурасини яратиш муаммолари даяра суҳбатининг асосий мавзуси бўлди.

Даяра суҳбатини Академия ректори профессор А. А. Азизжонев кириш сўзи билан бошлаб берди.

— Республика маҳалла-ҳайрия жамғармаси раҳбари Шукр Темуров ва бир қатор маҳалла оқсқоллари Россия давлат думасининг қарорига қатъий эътироз билдирдилар. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовнинг мустақил давлатлар ҳамдустлиги мамлакатларидаги интеграция жараёнлари ривож қилишдаги нуктайи назарини қўйлаб қўйиватдилар.

Маҳалла оқсқоллари миллий мустақиллик асприй орау интихосида эришилган улғу неъмат эканлигини, уни қадрлаш, муҳофаза этиш заруригини таъкидлашди. Ўзбекистон мустақиллигининг мустақамлиги қўл жиҳатдан маҳаллаларимиздаги маънавий муҳитга ҳам боғлиқ. Маҳалла — маънавият бешиги. Инсон маънавий қиёфаси, аввало, оилада, маҳаллада шаклланади. Шундай экан, миллий мустақиллик мафкурасини яратишда маҳалла жамиятининг таъбир бўлиши керак. Ватанпарварлик ёғлари, мустақиллик қадриятларига садоқат тўғрисида, миллий тарбия муаммолари даяра суҳбатида долзарблиқ касб этди. Академия матрийфи жамоаси билан маҳалла оқсқолларининг амали аҳамиятга эга бўлган ана шундай музоқабаларининг ҳар ойда бир марта ўтказиб туриш режалаштирилди.

Н. ЖУМАЕВ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг БАЁННОМАСИ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Ўзбекистон республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири билан суҳбатда билдирган фикрларини қўллаб қувватлайди. Бу фикрлар Ўзбекистон халқининг маънавий таъбақу тарзи, руҳини, қайфияти, ҳаёт муаммоларига муносабати, ўз келажagini тўғрисидаги тасаввурига асосланган.

Биз интеграция тарафдоримиз. Бирок бизга ақлли, ҳар томонлама ўйлаб амалга ошириладиган интеграция керак. Интеграция иштироки билан даставвал ўз салобияти, қўл ва имкониятларига суянмоқлари керак. Уларнинг ўзаро шериклик учун қўриб етандиган даражада бўлмоқлари лозим.

Интеграция Ўзбекистоннинг ўз эрки, мафқураси, бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлигини заҳор-зиҳор чеклаб қўймағли керак. У қандайдир ҳарбий-сиёсий блоklar тузиш максидига хизмат қилмаслиги лозим.

Интеграция ёки кооперация фақат иктиёрий равишда, давлат мустақиллиги тўла сақланган ҳолда амалга оширилади, ислохотларнинг бир йўналишида ва бир-бирига монанд бўлиши асосига қўрилоши шарт.

Интеграция табиий йўсинда юзага келади. Бу жараённинг сунъий равишда жадаллатиш тўғри эмас.

У халқ ҳаёти фаровонлигини юксалтирмакка хизмат қилмоғи лозим.

Яна интеграция даставвал иктисодий алоқаларнинг ҳолисона амалга оширилишига асосланган керак. Интеграция жараёнларига мафқуравий тус бермоқ, парламентлараро ҳуқуқлараро қўшма ташкилотларни тўзмоқ ва уларни давлатлар ўсида ўрнатмоққа йўл қўйиб бўлмади.

Интеграциянинг қўл билан юзага келтиришга эса сўз бўлиши мумкин эмас.

Биз барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром, бир-бирига фойда келтирадиган йўсинда интеграция ва кооперация тўзмоқ тарафдоримиз. Биз ҳамиша улғу эҳдоларимиз таълим берган ўзаро биродарлик ва қардошлиқни мустақамлаш йўлидан борамиз, нифок ва душманлиқни рад қиламиз.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси раёсати бутун партия аъзоларини, барча бизга хайрихоҳ кишиларни республика Президенти И. А. Каримовнинг суҳбатига баён этилган фикр ва мулоҳазаларни чуқур ўрганишга чақирди.

Ўзбекистон мустақиллигининг гарови бизнинг истиқлол ёғларига садоқатимиздадир.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг раёсати



Қайда эди муҳаббат, қизлар бўлмаса,
Бу меҳру бу садоқат, қизлар бўлмаса.

Мариана ТОДОРОВА:

ЎЗБЕКИСТОН НИМАГА ИНТИЛАМОҚДА?

Умумжаҳон банки иктисодий тараққиёт институти томонидан ўтказилган иктисодий сивбат масалаларига доир семинарлар бошқа мамлакатларнинг таърихларини ўрганиш асосида ўз ўзини йўлини танлаш имкониятларини яратди. Яқинда Тошкентда «Иктисодий бошқариш ва илохотлар» мавзуйида Ўзбекистон Олий Мажлисида бўлиб ўтган семинарда иштирок этган депутатлар ҳам бунга ишонч ҳолида қилидилар. Биз иктисодий тараққиёт институти семинарнинг директори таниқли иктисодчи олимга Мариана Тодоровани семинарнинг максал ҳаида ваъдалари, ундан олган тавассуларлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

— Семинар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иктисодиёт ва тadbиркорлик қомитетининг ташаббуси билан ўтказилди. Умумжаҳон банки ва унинг иктисодий тараққиёт институти тақлифини манунини билан қабул қилди. Умуман олганда биз утган йилдан бошлаб турли мамлакатлар парламентари яри билан ҳамкорликда ишлаш бошладик. Ислохотларга илмий тус бериш ўтиш даярида барча иктисодий жараёнларнинг марказида туради. Иктисодий дастурларга муваффақияти тарзда амалга оширишда парламент билан ҳуқумат ўртасида муносабат мўлдат олиб бериш яқин натижага беради. Эндиликда турли мамлакатларда депутатларнинг бизнинг экспертларимиз билан ишти урдушувлари мўлдат тус олади. Бизнинг Ўзбекистон парламенти билан ҳамкорлигимиз ўйланимчи, яна давом этади. Депутатларнинг қўли чикариш масалалари билан боғлиқ қизиқишлари пайдо бўлиб қолиши мўлдим. Биз бунда махсус «стади-тур» ўқишларини ташкил этишга уриш қўриб бўлардик. Бу бордада институтимизнинг ўзига яраша афзалликларига ҳам йўш эмас. Биз бутун дунё таърихлари ва биланларини ўзимизда жамлаштиришга эришганимиз. Утиш давр иктисодий жараёнларини бошдан кеираётган мамлакатларга бизнинг бу таърихларимиз жуда ҳам қўл келиши мўлдим.

— Бунинг учун институт Ўзбекистонни яқин ўрганиган бўлиши керак. Ўзбе-

кистон билан ҳамкорликда қандай лойиҳалар амалга оширилипти?
— Ўзбекистон 1992 йилда Умумжаҳон банкининг аъзоси бўлди. Ушундан буён биз мамлакатимиз билан турли дастурлар бўйича иш олиб бормоқдамиз. Тошкент бизнинг ўзаро Вена институтиимизнинг минтақавий маркази ҳисобланади. Бу институтда соғиқ, социалистик мамлакатлардан қўпгина мутахассислар таълими олишмоқда. Бундай марказлар Прага ва Москвада ҳам ишлади. Махсус тест фикрларидан ўтганлар бена институтда турт оилма махсус курсда ўқишлар. Ўзбекистонга Давлат прогностати даярида давлат хизматчилари учун махсус курслар ташкил этидик. Бундан ташқари кишлоқ хўжалиги, инвестициялар, банк фаолияти, иктисодий сивбат йўналишларида ҳам дастурлар ўтказилмоқда.

— Хозирги ўтган семинарда дунёнинг қўпгина мамлакатларидан йирик олимлар катнашдилар. Улар қандай таъналарди?
— Семинар дастури Олий Мажлис талаб ва эҳтиёллари асосида тузилди. Депутатлар Хитой, Жанубий Корея, Шарқий Европа ва энг ёш мустақил давлатларнинг хусусийлаштириш, ҳуқуқларининг иктисодий ўзаришлардаги ролни сингари масалаларга яқиндан қизиқдилар. Шунинг учун биз дунёда шу соҳаларда қатта билим ва таърихларга эга мутахассис ва олимларни тақлиф этдик. Биз доим баҳо бериш эмас, балки муаммоларни таҳлил ва таъдиқ этиш йўлидан борамиз. Депутатларга иктисодий сивбатнинг жуда қўл раиғ-баранг турлари тўғрисида ҳикоя қилишга уридик. Ранг-баранг йўллар билан таърихчири дўч келган муаммоларни муваффақият билан ҳал этишга имкон тўғайди. Биз ўз соҳамизда бой ахборот ва маълумотлар берамиз.

— Депутатлар семинари қандай қабул қилилар?
— Ёшларимиз, биз депутатларни ўқитиш вазиёфасини қўйганимиз йўш. Биз том маънода ўзаро фикрлашдик. Семинарнинг асосий максиди — фикр алмашиш. Семинарга тайёргарлик қўраётганда биз Ўзбекистон тўғрисида қўп қитобларни ўқиб чиқдик. Лекин ҳеч нараса жонли суҳбат, жонли фикр олушуга етмади. Биз бу ерда жуда қизиқлари, қўлланган қўз қарашлар, нуктайи назарларга дўч келдик.

— Бошқа мамлакатларнинг иктисодий таърихларини Ўзбекистонда қўлаш-

да мамлакатнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиш ҳам керак бўлади, тўғрими?
— Албатта. Ҳар бир мамлакат ўзига яраша нодир бир ҳолида. Бунда шу ўзига хос тақрирланмас ҳиқатларни ҳисобга олмай ҳеч иложи йўш. Мисол учун хусусийлаштиришни олинг. Турли мамлакатларда у турлича кечмоқда. Иктисодий масалаларни ечишда ҳалқнинг қан-шукўли, руҳу, тарихий меъроси, ёшларлари, маънавий қўпимоллари муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўзига хосликлар ишга фақат ердан бериши мўлдим. Ўзига хосликлардан ўрганиши мўлдим. Бунда бошқа мамлакатлар таърихларида кўриган улғуни ҳақонияни таърирларга ўрни қолмади. Семинаримизда қандай ҳато қилмаслиқ йўллари ўстида мулоҳаза қилдик. Албатта, ҳозирдаги иктисодий таърихларини қандай бўлса, шундай қабул қилиш ёки ўзлаштириш тўғри бўлмас эди. Семинарда Принстон университетни профессорни Бронсон Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари таъналар иктисодий илохотларни модели ҳақида фикр юрдики. Бу мамлакатлар илохотларининг маъмуни ва йўналиши Европа шартларини мўлжаллайди ва назарда тутайди. Улар Европага ўйунлашишни истайдилар. Септ университетининг профессорни Ли уршдан кейинги Жанубий Корея иктисодий ривожланиши йўллари тўғрисида сўзлади. Жанубий Корея ўз олдида Японияга ётиб олишни максид қўйган эди. Шунинг учун улар меҳнатга ҳам, бошқа қатар масалаларга ҳам яқин нуктайи назаридан қарадилар ва кўрроқ японча муносабатларни қўлладилар. Ўзбекистон ҳам шу йўналишда изланишга олиб бора эҳтимол. Бошқаларнинг таърихларини ўз максид ва қизиқиш, манфатларидан келиб чиққан ҳолда қўлламоқ жоғир. Ҳамма нарсаларда маҳаллий шартларни ҳисобга олиш жуда ўрнимдор. Иктисодий максидлар аниқлик, равшанлик ва ёрқин тасаввурларни истади. Шунда иктисодий максидлар ва режалар қўпона ҳам, олимга ҳам яқин тушунарди бўлади.

Ўзбекистон нимага интилмақда? — Худди шу нарсани иктисодий жараёнда тўла аниқлаб олиш гаятда муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг семинаримиз шу жуда муҳим масала ўстида фикрлаш имконини бериди. Савол қўйилган экан, ишончим қимлиқ, ўнга жавоб ҳам албатта топилди.

Нигина БОЙҚОБУЛОВА
суҳбатлашди

ҲУРЛИКНИ ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ

Президент Ислам Каримовнинг Хоразмда сўзлаган нутқи, ЎЗА мухбири саволларига берган жавоби, Россия президенти Борис Елцинга йўллаган матубида баён қилинган мустақиллик, эркин, демократик тараққиёт, мамлакатлар, халқларнинг дахлсиз тақдирини борасида қатъий, адолатли, ҳаққоний фикрлар мамлакатимиз фуқаролари томонидан ҳар томонлама қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Фикрловчи ҳар бир инсон ўзини Президентимиз сивбатининг фаол аъзоси деб ҳис қилмоқда. Мухбиримиз шундай одамлар билан суҳбатда бўлди.

ШОЙИМ ШЕРНАЗАР, ЎҚИТУВЧИ:

— Илгарни дунё жамоатчилиги олдида ўз ёлгон сивсати билан ном қозongan «қизил империя» парчаланди. Эўравонлик асосида қурилган бу салтанат тубида нима максидлар ётганлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Замонлар ўзгарди, қанча қарам мамлакатлар мустақиллик қилди. Лекин буни қарангки, уша сивсатларнинг оқавалари ҳали қу-

рмаган экан. Ҳали бошқа халқлар ҳамда миллатлар ўстидан ҳуқм юришти соғинчи билан ишламоқда ва ёғни нарсадан сабоқ олмаган экан. Аммо дунё сивсат майдонида энди илгарини мустақамла ва ҳўлоларни йўш. Энди истиқлолга чиққан халқлар орқага қайтмадилар.

Ўзбек халқи энди ҳеч кимга ўз мустақиллигини бермайди. Мен ватандошларимга ўз келажagini пойдеворини тарихдан сабоқ ол-

ган ҳолда, ҳеч иккиланмай қўришларини, мустақилликни мусаҳкамлаш йўлида оғишмай фаолият кўрсатишларини тилаймиз. Биз ўз Ватанимизнинг хизматкор фарзандларимиз. Уни сивамиз, асраймиз!
Бошқа гап йўш!

АМИР НАЗРУЛЛО, ЖУРНАЛИСТ:

— Россия Давлат Думасининг қабул қилган қарори асосида. А. Лукашенко кабинетларнинг: «Ягона давлат тузами, чегараларимиз, конституциямиз умумий бўлади» деган чўпчаклари ўзларига сийлов.

Ўз йўлини, тақдирини аллақонан белгилаб олган мустақил Ватанимиз — Ўзбекистон учун, унинг эрқпарвар халқи учун бунанкам ҳуда-беҳуда гапларнинг ҳеч аҳамияти йўш. Ўртбошимиз Ислам Каримов Хоразм вилоятида сўзлаган нутқида, ЎЗА мухбири саволларига жавобларида, Россия Федератсияси президенти Борис Елцин номига юборган хатида ва қуни-кеча Ветнамга расмий сафари олдин журналистлар билан суҳбатиде тарих гилдираги ҳеч қачон ортга қайтмаслигини тақрор-тақрор таъкидлади.

Дарҳақиқат, худди шундай.

Бу ҳақиқатни Россия, Белоруссия, Молдова ва қўллаб мустақил давлатлардаги ҳур фикрли инсонлар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар. Халқаро майдонда қундан-қунга обрў-эътибори ошиб бораётган, ҳам сиёсий, ҳам иктисодий жабаҳаларда ўзлигини кўрсатаётган Ўзбекистоннинг бир зарраси, озод фуқароси сиёсий фатиде айтаманки, халқимиз қорнини эмас, ҳар доим қадрини ўйлаган ва ўйлаб келаётган буюк халқ. Не десангиз, не есангиз, бу сизнинг ишингиз! Озодлик қоринга ярашмагани каби, баъзи обидалардаги замонавий таъмирлаш ишлари қўрган қўзнини қувнатиш ўрнига, асабини бузишдан бошқасига ярамаслигини эсимиз. Шундай экан, халқ амалии сөнати вакиллари бўлиш усталар билан олимларнинг қўлини қўлга бериш илашши ўз амалии натижаларини бериши шубҳасиз.

Кафедра олимлари ўз илмий

ринга сивмаиди.

Биз мустақиллигимизни мустаҳкамлашимиз, ҳуқуқимизни амалга ошираётган хайрли ишларга қармбаста бўлмоғимиз керак. Чунки, Ўзбекистоннинг қорвини порлоқ йўлга тушиб олган!

АБДУЛЛА ЗОИРОВ, ТАЛАБА:

— Биз ҳеч қачон, ўз мустақил юртимизни қайтадан тузоқка тутиб бермаймиз, аксинча ҳар қандай шароитда, ҳар бир ишда уни-бугунги учун ҳам камарбаста бўламиз.

Биз ўзбекларга эмас, республикамизнинг барча фуқаролари ўз олдида ана шу максидни қўйди. Бунга «Халқ сўзи»нинг шанба сониде чиққан профессор П.Кимнинг «Халқ чин озодликни англаганда...» макаласини ўқиб, яқини тушундим. Максид бирлиги ҳақиқатдан ҳам мустаҳкам-лигимиздир.

Б. ПИРНАФАСОВ тайёрлади

изланишари якунларини кўхна Бухоронинг бебаҳо обидаларига муваффақиятли таъдиқ этиш билан бир қаторда қўллаб-қўриғи мамлакатлардаги анжуманларда иштирок этиши, маърузалар қилидилар.

Илм ҳунар билан чоғишган жойда муҳижизлар пайдо этиди. Биз ҳам олимлар ва таъмирловчи хунармандларнинг заргарона меҳнати қўлини Бухоро обидаларига яна эзолаб асприк умр баҳишида таяж, дея умид билдириб қоламиз.

Г. МУРОДАЛИЕВА,
ЎЗ МУХБИРИМИЗ



XIII ФАСЛ
1. Ян Юан ҳақиқий одамийлик нима, деб сўради.
— Одам узини тутта билиши ва адаб таомилларига риоя этиши керак, — деб жавоб берди Устоз, — мана шу чинакам одамийлик бўлади. Бир сафар ўзини туттишга ўргансанг ва адабга риоя қилган ҳолда ҳаракат қилсанг — шунда бутун Осмон сени одамий экан деб атади. Одамий бўлиш-бўлмастик фақат кишининг ўзигагина боғлиқ, — ахир бу нараса бошқаларга боғлиқ бўлиши ақлга тўғри келадими?
— Марҳамат қилиб айтинг-чи, бунга қандай қилиб эришса бўлади? — деб сўради Ян Юан.
Устоз шундай деди:
— Адабга зид нарсаларга қараманг. Адабга хилоф нарсаларни гапирманг. Адабга хилоф нарсаларни қилманг.
— Мен қўп нарсаларни яқини тушуна-вермайман, — деди Ян Юан, — лекин бундан буён сизнинг шу сўзларингизга риоя қилиб яшашга менга ижозат беринг.
2. Чжунгун ҳақиқий одамийлик нима деб сўради.
— Дарвозадан чиқаётганинда, — деди Устоз, — ўзингни худди энг азиз меҳмонларни қўтиб олаётгандай туттил. Одамлар билан худди буюк расм-русулларни адо этаётган каби муомала қил. Ўзингга истамаган нарсани — ўзгаларга ҳам қилма. Шунда на давлат ва на оилада норозилик бўлмай.
— Мен қўп нарсаларга яқини тушуна-вермасам-да, — деди Чжунгун, — менга бундан буён сизнинг шу сўзларин-

«МТ» воқеалар, хабарлар
ЧҲМИЧ
ҲАМ МОЙ...
Жизсахда Буюк Британия билан ҳамкорликда ёғ ишлаб чиқарадиган янги қўшма қорхона ишга тушди.
Аваллари жиззахликлар қитларини Янгйўл ёхуд Фарғонага ташиб, ақсар ҳолда улөвидан тушови қимматга тушадиган пахта ёғи келтирардилар. Энди бу иктисо-

дий номақбул сарф-ҳаражат барҳам топди.
Эътиборли томони шундаки, қўшма қорхона жаҳон талаблари даражасидаги янги технология билан ишламоқда ва ёғни тозалаш учун одатдаги қорхона жараёнларида албатта ишлатиладиган бензидан фойдаланилмаяпти. Демак, жиззахликлар йилгига энг камида 160 минг тонна экологик жиҳатдан тоза пахта ёғига эга бўладилар.

Бухоро — тилимлар шаҳри. Унинг қадим ишчи сирлар бирида ҳам нади-неча сирлар пинҳон. Бухоро дуорилфунуни халқ

ХИВА НОЖУНЖИ НЕВАРАСИ

Кўп йиллардан буён Украина республикасининг Харьков шаҳрида ташкил топган фахрийлар кенгаши, Украина, Белоруссия, Молдова ҳамда Россия федератсиясидаги айрим изтоқлардан билан дустона мактублар ёзиш тургани, Ўзбекистонда бўлиб катта хизматлари билан давлатга хизмат қилган ушбу хизматчиларнинг бири бўлиб Хива хони Мухаммад Раҳимхон Феруз — Илнинг невараларидан бири бўлиб Абдурашул Туре Мадиевнинг ҳақида хикоя қилиб беришнинг кўнгил топамак.

Мавлудидин, 1991 йил 7 июл айрилиқдан сўнг Хива хони Мухаммад Раҳимхон Ферузнинг 83 йиллиги невараси Абдурашул Туре Мадиевнинг ҳақида ушбу мақолада кўриб берилади.

1991 йилнинг январ ойида Хива шаҳрида Саод Отаноков деган киши Железноводск шаҳрида санаторияда дам олади. Тақдир тақозоси у Лидия Абдурашуловна Мадиева деган аёл билан бир столда овқatlanади. Шунда Лидия Абдурашуловнанинг фамилияси ва отасининг исми Саоджонда қизиқиб қўлади. У шу ҳақда Лидия Абдурашуловнадан сўради. Лекин аёл негадур бундан айтишдан тортинди. Аммо Саоджон республикаимизда юз бераётган янгиликлар ҳамда миллий гуруҳ, оқсалиш ва тиланиш шайхонаси билан бўлаётган икбий ўзгаришлар ҳақида унга хикоя қилиб берди. Шундан сўнг Лидия Абдурашуловна отаси Абдурашул Туре Мадиевнинг кўрган-кечирганлари, машаққатли ҳаёти ҳақида батафсил сўзлаб берди.

О. Отаноков Хивага қайтганда, бу кўнгилчани маълумоти мутасадди ташкилотларга маълум қилди. Шундан сўнг Хива шаҳар «Ичон калъа» кўриқхонаси ходимларининг ташаббуси билан 89 ёшли Абдурашул Туре Мадиев ома-юртига келди. Абдурашул Туре Мадиев Хоразмни сайр этар экан, асримизнинг бошида Хива шаҳри қандай кўринишда бўлганини хикоя қилди.

Хоразмда соғиб совет ҳокимияти ўрнатилган пайтларда Абдурашул Туре Мадиевнинг ҳақида ушбу мақолада кўриб берилади. Лекин у қамқондан қонишга муваппақ бўлди. Уни яна ушлашиб узок ерларга бадарга қилишди.

Абдурашул Туре Мадиевнинг ома-вотанида бўлиб, Аллоҳга шукроналар айтиб, Қирғиз Рогга қайтди ва 1991 йилнинг 17 августда хасталик натижасида вафот этди (менда унинг қизлари ва неваралари билан тушган сурати ҳам мавжуд).

Бинобарин, Абдурашул Туре Мадиевнинг Хивада ўз хамюртлари орасида бўлганида ўзини бироз ноқулай сезади, чунки у шу ўтган 71 йил мобайнида ўзининг ота тили, ҳамда ўзбек халқининг барча урф-одатларини бутунлай унутган эди. Шу боис мен Лидия Абдурашуловнага (касби тиббиёт ҳамшираси) русча-ўзбекча лугат юбордим. Шу нарса кўнгилчани, кейинги пайтларда улardan менга келган мактубларда ўзбек тилида битилган бир қанча жумлаларни ўқитиб берди.

Кези келганда шунинг ҳам қайд этиб ўтиш ўрнилики, 1991 йилнинг 7 июнида Тошкентдан Қирғиз Рог шаҳрига борган бир мусавир (расмом) Абдурашул Туре Мадиевни келиб, Хива хони Мухаммад Раҳимхон Феруз портретини яратиш мақсадида авлодлар чечраларидан хон юзи аломатларини топмоқчи бўлади. Натижада Лидия Абдурашуловнанинг Татна исми кизининг юзи хонга жулда ўхшаш оқнаклиги маълум бўлади. Абдурашул Туранинг ўрнатган қизи Любоновнинг юзи эса, хоннинг Саид Абдулла исмилик укасининг юзига эслолади.

Гарчанд, Саид Абдулла ўз даврининг ўқимонли билимдон кишилардан бири бўлса-да, афсуски унинг лешонасига «халқ душман» тавмаси босилганлиги тўғрисида унга қорувулиқдан бошқа бир лавозимни беришмаган. Шу тўғрисида, у ўнг қийинчилик — ноқорлик ҳаёт кечирган ва 1933 йилнинг 7 июнида Қирғиз Рог шаҳрида вафот этиб, ўша ерга дафн этилган. Бу ҳақда аниқ маълумотлар бор.

Хатининг охирида Лидия Мадиевнинг шу йил 8 мартда баган хатини келтиришни лозим кўраман.

«Азия Баҳром!»
Кўпдан ҳат эололмаганим учун эзр сўрайман. Катта хондан эълоринганим Наврўз халк байрами билан табриклиман. Бобом Мухаммад Раҳимхон Ферузнинг портрети менинг хонанинг турғи илиб қўйилган. Сиздан жулда миннатдорман ва сизнинг олдингида кардорман. Украинада ҳаёт жулда оғир ўзбекистонингизда эса жулда ҳам ажойиб. Оқингни айтсан, сизларнинг ҳаётингиз қандай кунга, йилдан йилга яшилганлиги борапти. Бу, албатта, Президент Имом Каримовнинг гахмуҳ сийратининг натижаси. Сизларга ҳавасимиз қилади. Сизга бу ҳақда илгари ҳам баган эдим.

«...Россияда ҳам чечен уруши тўғрисида хат ёзган эдим, албатта, ёмон томонга.

Хурмати Баҳром, бобомнинг суратиға қараб, Сиз билан гойибона сўйлашаман ва Сизга тинимсиз ташаххулар айтаман. Сизни кўчмаман. Сизга дам хат ёзиб туришга ваъда бермаман. Сизни ҳеч унутмайман. Юборган фотолабимингиз учун минг-миг раҳмат.

Хурмат билан, Лидия Мадиевона, Қирғиз Рог.

Баҳромжон БҲУРОНОВ,
ички ишлар хизмати фахрийси

Кўзон

МАРВЛИК ВА УНИНГ МЕХМОНИ

Дўстимиз гапирарди: Марвлик уйига бир меҳмон келсаю, у келган жойда кўпроқ ўтириб қолса, унга айтар экан:

— Сен бугун овқатланганимисан?

Шунда агар меҳмон:

— Ҳа, овқатланган эдим, — деб қолса борми, меҳмон:

— Агар сен бугун овқатланмаган бўлганинда, мен сенга ажойиб овқат тақдир қилган бўлардим, — дер экан.

Бордию меҳмон:

— Йўқ, овқатланмаганим, — деб қолса борми, шунда у:

— Агар сен овқатланганида, қулинг ўргилсин чой дамлаб берардим, бир пиёла эмас, ҳатто беш пиёла ичиб мазза қилардинг, — дер экан.

Шундай қилиб, меҳмон ихтала аҳволда ҳам қуруқ қилиб, унинг муруватидан маҳрум бўлар экан.

ХУДОНИ ТИЛГА ОЛИБ

Бу воқеани менга Амр ибн Нуҷайй! гапириб берган эди: Бир кун мен туш пайти ал-Киндийниқида овқатланаётган эдим. Овқат устига унинг қўшини келиб қолди! У киши менга яқин одам эди. Уй эгаси қўшини лўқ қилиб қовнашиб билан овора эди, лекин меҳмони овқатга тақдир ҳам қилмади. Биз овқатланаяптику, у бўлса типпа-тик қаққайиб турарди. Абу Исҳоқ ал-Киндий аслида жулда нокас-бахил одам эди. Худойи таоло ундан бахирроқ одамни яратмаган.

Мен бу ҳолатни кўриб, деди Амр, ерга кириб кетмадим, уайганимдан.

Кейин мен қаққайиб турган меҳмонга:

— Ўтирсанг бўларди, овқатланарингиз биз билан, — дедим.

Бунинг эшитиб у:

— Худо ҳақи, уйда овқатланганман, — деди.



Дунёга хуш келдинг, болажон!

ТЕАТРДА РЕЖИССЁРНИНГ ТҶЙИ

Ҳамза номидаги ўзбек давлат Академик драма театри яқинда яна бир фарзанди — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр Марат Азимов таваллудининг 50 йиллик тўйини нишонлади.

Театрлаштирилган бу кўтлов оқшомини Ўзбекистон маданият ишлари вазири Э. Хайитбоев очди.

Актёр сифатида 40 га яқин рол икро этиб, «Қароқчилик», «Ариасига қура», «Абу Райхон Беруний», «Қулғу қон» каби санъат асарларида ёркин образлар яратган ва ўз мулкисини меҳрини қозонган М. Азимов 1990 йилдан Ҳамза театрида режиссёрлик фаолиятини бошлади. Киска вақт ичидда 10 дан ортқик спектаклар сахналаштирди. У саҳнага қўйган А. Фитратнинг «Абулфайзон», Ҳ. Умарбековнинг «Ер ёнганда», Шукруллонинг «Урсин фаред», Х. Мухаммаднинг «Жиноят устида ушлансин», Х. Раҳимовнинг «Мухаббат султони» каби асарлар томошабин эътиборига тушди.

Р. ПИРНАФАСОВ

ГУРУР

Ешлик сабоси муҳаббатнинг муаттар исини олиб келди. Бошим айланади. Атрофимда ҳаёлар — сув парилари рақс эта бошлади.

ҚАЙСАРЛИК

Бедорлик тиламан ўзимга. Қўларимга елвораман уйқуниг гафлат тўрларига илинмаган деб. Ухласам...

ТУГАНМАС ТОМОША

Менга бу дунёни саҳна дедилар. Туганмас томоша, пардаси тешик — умринг поёнида таллинган эшик.

Дилфуза ЖҲРАЕВА

Шунда дарҳол ал-Киндий унга қараб:

— Худони тилга олиб қасам ичганидан кейин овқатга тақдир қилишга ҳоҷат ҳам қолмайди, — деди.

Шунда Амр деди: у «Худо ҳақи, овқатланганман» деганича серрайиб қолаверди, на овқатга қўл чўзолди, на ўтиролди. Бордию у

МАРВ ХҲРОЗИ

Сумома! айтди:

— Хўрозоларни кўп қўрганман. Лекин уларнинг қайси бирини қузатмагим, тўшмуш билан донни ердан териб олади-да, сўнг товўққа яқин бориб олдиға ташлади. Лекин Марв хўрозолари уларага сираям ўхшамайди. У ердаги хўрозолар товўққа дон топиб келтириб бериш ўрнига, ақсинча унинг тўшмушидан донни тортиб олади.

Сумома яна шуларни айтди:

— Шундан билдимки, уларнинг бахиллигининг сабаби ўлқаниг ҳамда унинг сувининг табиатидадан бўлиши керак, нихоят бахиллик у ердаги барча жониворларга ҳам таъсир этган.

Мен бу воқеани Аҳмад ибн Рашидга айтган эдим, у шундай деди:

— Мен марвлик бир шайх уйда бўлган эдим. Унинг бир қичқина боласи ховлида ўйнаб юрарди. Шунда мен унга синаб қўрмоқчи бўлиб, ярми ҳазил, ярми чин қилиб:

— Ўғлим, уйиңдан бироз нон олиб чиқ, қорним очиб кетди, дедим.

У бўлса парво қилмай:

— Уни еёлмайсиз, тахир, — деди.

— Бўлмаса бир қултум сув бергин, томоғим қақраб кетди, — дедим.

Зарофат эшиклари

— Сувимизни ичолмайсиз, у шўр, — деди бола.

— Булмаса у-бу олиб чиқ, тановул қилай, — дедим.

— Биланман, олиб чиққанман билан сизга ёқмайди, — деди.

Шу тариқа мен у-бу нарсаларни эринмай сўрайвердим, у бўлса уйда сураган нарсаларини энг ёмонлари борлигини баҳона қилаверди.

Шунда бунинг кўриб турган отаси деди.

— Қўрдингизми, бунга биз айбдор эмасмиз, бу гапларни унга ҳеч ким ўргатган ҳам эмас. Яъни бахиллик табиатларидан бор, уларнинг тўпроғи ўзи шунақа, қон-қонига сингиб кетган.

ЧИРОҚ НУРИ

Дўстларимиз шунинг хикоя қилиб беришарди: — Бир қанча хўросонлиқлар бир уйда туришарди. Лекин ҳеч қайсиси чирог ёқишни ҳаволига ҳам келтирмади, чидаб юраверишарди. Кейин улур келишиб чирок сарф-харажатини ҳисоблаб чиқдилар-да, дағнона қилиб ҳаммага баравар тақсимлашди. Уларнинг бири чирок харажатига ҳақ тўлагиси қелмай, тақдирини рад қилди. Шунда ҳамма бир ёқадан бош чиқариб бир қароғга келишди: қош қорайиб чирок ёқадан пайт қелганда, ҳақ тўламаган киши қўзини рўмол билан боилаб қўйданган бўлишида; то улқаш вақти келгунча у шундай қўзи бойлоқлиғига қолар экан, ҳамма уқлаб чирокни ўчиришгагина унинг қўзини ечиб юборишар экан.

Арабчадан А. ИРИСОВ таржимаси

Изоҳ:

1. Амр ибн Нуҷайй — қалом илмининг мутахассисларидан, ал-Жоҳирнинг ҳамширасидан.

2. Абу Исҳоқ ал-Киндий (801-866) — араб фалсафасининг асосчиларидан бири, фалсафа, математика, астрономия каби фанларда машҳур энциклопедик олим.

3. Сумома ибн Ашрас ан-Нумайрий (ваф. 826) — халифа ал-Мамун саройида машҳур муътазиллий намояндаларидан, у «Сумомай» оқими сардор эди.

ТҶҲРИСИ ҚАНДАЙ? МАДАНИЯТИМИЗ ДҲРДОНАЛАРИНИ РОСТ ТАЛҚИН ҚИЛАЙЛИК

Ўзбекистон халқининг маданият ҳосилидаги фожиялардан бири, унинг 1939 йили имлони ўзгартириб, рус (кирилл) ёзувига ўтиши бўлди. Оддатда бир халқ иккинчи халқнинг алифбосини қабул этса, унга ўз тили, имлосидаги асосий қонун-қоидалар: товушлирини ифодалаш, морфологик ва синтаксистик ҳусусиятларни ҳисобга олган, Афсуски, рус маконидаги ёзувга ўтишда бунинг ақси бўлди. Ўзбек тилида рус ва бошқа Оврўпо халқлари тилидан ўтган байналмилал сўзларни рус тилида қандай бўлса шундай ёзиш ва талаффуз этиш қатъий қонун қилиб қўйилди. Ўзбек халқи ва ёзуви учун бутунлай ёт ва ишлашмайдиغان **ц, в, ь** харфлари мажбуран бизнинг алифбозимизга киритилди ва ишлашга бошланди. Бу харфлар рус тилидан ўтган сўзларни тўри ёзиш ва талаффуз этиш учунгина керак эди, ҳолоқ. Ҳонимда бирор та халқ тилида бошқа тиллардан кирган сўзлар айнан талаффуз этилмайди, уша сўзларнинг қабул қилган тилининг ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талаффуз этилади. Рус тилида бошқа тиллардан ўтган минглаб сўзларнинг хато ёзилиши ва нотўғри талаффуз этилиши шу қоидага зиддир. Дунёдаги қўлгина мамлакат, шаҳар ва машҳур кишилар номлари рус тилида қандай ёзилса бизда ҳам шундай ёзиб келинмоқда.

Рус алифбосининг буйруқ асосида қабул қилиниши тўғрисида шундай хатоларга йўл қўйилдики, натижада савод чиқариш, айниқса мактабларда қийинлашиб кетди. Чўкиз ва қиска униларнинг фарқламаслики, айниқса мумтоз адабиятнинг хозирги замон имлосида ёзиш ва тўри ўқишда жиддий қалқалиш ва қийинчиликларни тўғдирмоқда. Қандамки ўзбек тилини яқши билмаган киши Навоий, Фузулий, Машраб каби шoirларнинг хозирги имлода нашр этилган асарларини тўри ўқийлмайди.

Мен яна бир муҳим нарса ҳақида тўхтаб ўтмоқчиман. Кейинги 40-50 йиллар давомида Ўзбекистонда шарқшунослик, шу жумладан манбаъшунослик ва матншунослик анбаша ривож топди. Буоқ олимларимиз Беруний, Ибн Сино, Мухаммад Хоразмий, Форобий, Розий, Улғўбек қабиларининг бебаҳо асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, Жомий, Алишер Навоий, Хофиз Хоразмий, Саъдий, Фузулий, Машраб, Оғахий каби улўғ шoirларимиз шoirларини хозирги ўзбек имлосида қайта қайта нашр этилди.

Лекин бу бебаҳо дурдоналар нашрини хозирги ўзбек имлосида амалга оширишда жиддий қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Бунинг учун юқорида қайд қилганимиз-алифбодига қамчилликлар биринчи сабабдир. Хозир асарий ёзувимизда мумтоз асарлар, айниқса шoirларни тўла маъноси билан бериб бўлмайди. Бунинг устига араб ва форсий тиллардан ўзбек тилига кириб қолган сўзларни ёзишда шунчалик қалқалишларга йўл қўйилганки, бунга ҳеч тоқат қилиб бўлмайди. Фақат айрим мисоллар келтириш билан қифояланамиз.

«Ўзбек тилининг имло лўғати» бў айтганларимизга ҳеч эътибор берилмаган. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан узок вақт давомида «Ўзбек тилининг изоҳли лўғати» тайёрланиб, 1981 йил Москвада «Рус тили» нашриётида икки жилдада чоп этилди. Афсуски, лўғатга кирган сўзлар арабча ёзувида ҳам берилмаган. Тожик изоҳли лўғати «Фарҳанги забоб»

ни тоқики» ҳам 1969 йили Москвада икки жилдада нашр этилди. Унда эса сўзлар араб тилида ҳам берилган. Бунинг хакийқи имлоий изоҳли лўғат деса бўлади. Булардан ташқари араб ва форсий тиллардан кейинги вақтда ўзбек тилига кириб, матншунослик ва манбаъшуносликда қўлланилаётган жулда қўп сўзлар «Ўзбек тилининг имло лўғати» ва «Ўзбек тилининг изоҳли лўғати»да тўшириб қолдирилган.

Аллоҳга шукрки, кейинги йилларда муқаддас китоблар, ҳадис ва бошқа диний асарларнинг бемалол чоп этиш имкони тўғилди. Қўлғаб хар хил хажмадаги диний рисодалар ва мутаваққил шoirларнинг девонларини нашр этилди. Лекин баъзан фақат моддий даромадини ўйлаб маънавий томонини унутиб қўйиш ҳодисалари ҳам содир бўлмоқда. Фикрининг далили учун бир неча мисол келтираман.

1990 йили «Меҳнат» нашриёти «Табриқнома» — Тушларнинг имлоий асосланган талқини» номли китобча чоп этилди. Китобни олган одам, ундаги тўша таъбирлари Шарқ таъбирномасига қараганда бутунлай эид ақлиғидан ташжубланади. Ақлида бу китоб Мисоҳ-Ҳасоо деган муаллифнинг 1912 йили Варшавада ва 1990 йили Москвада «Прометей» нашриётида қайта босилган «Сон и шовидение» деган китобининг ўзбекча таржимаси бўлиб қичди. Арзон иштиёқ Оврўпо таъбирномасини Шарқ таъбирномасига айлантириб юборишни қаранг.

Сўфи Оллоевнинг «Сабот-ул-оқожи» асарини «Меҳнат» нашриёти диврли хатосиз араб тилидаги матни билан босди. Фақат Хожӣ Пулатқорнинг «Муқаддима»сида «Сўфи Оллоев 1133 (1720 милодий) йилда дунёга келди» деб ёзилган. Сўфи Оллоев Машраб билан Қабадиенда қўришган. Машраб 1711 йил вафот этган. У Машраб ва фитидан тўққиз йил кейин туғилган бўлиб қичади.

1992 йил «Ҳазрати ғавсул Аъзам Муҳиддин Саййид Абдулқодир Гилоний» номли китоб ношири таъжиб (Қуръонни махсуус қироат билан ўқиш) қоидаларини имлога талқин этган. Бунинг дуоларни ўқишга ҳам ишлатилган. Раҳимон раҳимини «Роҳман раҳим» деб «рдан кейин алиф қўйиб, «и» дан кейин эса «алиф»ни олиб ташлаб ёзишга, Қуръонни Қарим имлосини буюзига қимнинг ҳақи бор? Араб имлосини қабул қилган урду, форсий, пушту, уйғур, туркий халқларнинг бирор тилида бундай «қоида» йўқ-ку. Худди шу китобда **лиллоҳи-лӣллаҳо**, **зотихи-зотихи**, **сифотихи-сифотихи**, **судураал-судураол**, **отиҳи-атиҳи**, **ва-са-салоту**-ваассолти, **ало-вала**, **расулихи-росулихи**, **авлиёи-авлиёи**, **олихат-алихат**, **таййиби**-тоййиби, **асҳоб-асҳаб**, **ило-ила** деб ёзилган. Агар биз таъжиб қондасини имлога тўрабиқ қилсан, ўзбек тилига Қуръон Қарим ва ҳадислардан олгинган минглаб сўзларнинг ёзилишини бутунлай қайта қўриб чиқишимиз керак: **Аллоҳ**, **салам (салом урнига)**, **китаб**, **инсаф**, **сахаба**, **қанаат**, **итаат**, **сиф**, **эхрам**, **эҳсан**, **ҳисаб**, **ихтиёр**, **инкилаб** каби. Еки ақсинча ўзбек тилидаги жулда қўп сўзлардан қиска «а-га сўз ўзагда йўқ а-га» (алиф) қўшиб ўқилиши керакми: **роҳман**, **роҳим**, **роб**, **росул**. Тажвид қоидаларини исломин қабул қилган халқларнинг бирор тилида имлога таъдир этилмаган, талаффуз ҳам худди шундай.

Умуман, Аллоҳ сўзини Олло, Оллоҳ деб ёзиш тўри эмас. Бу халқ орасидаги талаффуз бўлиб, баъзан «Облох» шаклида ҳам учрайди.

Яна бир ҳодиса Қуръон оятларини хозирги ёзувда бериш бўлди. Бу ҳеч мумкин эмас, биринчидан, юқорида айтганимдек Қуръонни бу ёзувда тўри, хатосиз муқлаб бериб бўлмайди, иккинчидан, бу имлода берилган Қуръонни тўри ўқиб бўлмайди, шу хат асосида ёдланган хато ёлдади ва хато ўқийди, ҳам ёзган, ҳам ёдлаган гуноҳга ботади.

Хулоса қилиб шунини айтиш керакики, маданиятимиз тарихий, диний меросларини халқга ётақизишда папа-партишлик, баъзан фақат даромад — пул топишни ўйлаш ҳолатлариға тазоман ҳеч қўйиш керак. Исломушуносликдан, диний адабиятдан хабари йўқ, қадимги ўзбек тилини билмаган кишилар тарихий ва исломга оид асарларни нашрга тайёрлашга қўл урмасин. Бундай асарлар нашриётлар албатта ўша соҳа мутахассиси бўлган олимлар ишломшунослар тақризидан ўтказиши керак.

Нашриётларни олий маълумоти филолог муҳаррирлар, матншунослар билан тақомиллаштириш керак. Имлони хоҳлаганга ўзгартириш, янгидан қоидалар ўйлаб чиқаришга ҳожат йўқ.

Исмаиулла АБУДУЛЛА, профессор

Манзилмиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 33-50-18.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахо-наси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи муҳаррир — Бектемир ПИРНАФАСОВ
1 2 3 4 5 6

Манзилмиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 33-50-18.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахо-наси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи муҳаррир — Бектемир ПИРНАФАСОВ
1 2 3 4 5 6

Манзилмиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 33-50-18.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахо-наси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи муҳаррир — Бектемир ПИРНАФАСОВ
1 2 3 4 5 6